

Фаргона шаҳри Ал-Фаргоний кучаси, 122 а уй. ТИФ “Миллийбанк” Фаргона филиали
х/р 20 208 000 804 366 678 001 МФО 00493 ИНН 205 292 894 ОКЭД 69202
тел: (+99897) 595-99-63 e-mail: mezonauditperfect@mail.ru сайт: www.mezonaudit.uz

МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

“FARG’ONAYOG’MOY” акциядорлик жамияти рахбариятига

Фикр

Биз “FARG’ONAYOG’MOY” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар “FARG’ONAYOG’MOY” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларигага мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз компаниядан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг “Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли, ҳамда ушбу талабларга ва Кодексда белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МХХС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корxonанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади, биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз ушбу аудитнинг асосий масалаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан таъқиқланган ҳоллар бундан мустасно.

**МЧЖ «MEZON AUDIT PERFECT»
аудиторлик ташкилоти директори:**



26 апрель 2022 йил № 116

Салиев И.А.
Тухтасинов Н.Н.

Салиев И.А.

Тухтасинов Н.Н.

Салиев Илхомжон Адхамович, аудитор малака сертификати №04420 19.09.2017 й. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган.

Тухтасинов Нодирхон Набиевич, аудитор малака сертификати №05569 29.11.2018 й. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган.



“MEZON AUDIT PERFECT” МЧЖ

**“Farg’ona yug’mo y” акциядорлик
жамиятининг 2021 йил молиявий-хужалик
фаолиятини аудиторлик текширувидан
утказиш юзасидан**

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

2022 йил

**“Фаргона ёг-мой” акционерлик жамиятининг
2021 йил молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган
аудиторлик текшируви натижалари бўйича**

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

26.04.2022 йил

Фаргона ш.

I.КИРИШ ҚИСМИ

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Аудиторлик фаолиятининг Халқаро стандартлари асосида ўтказилди.

Аудиторлик ташкилоти номи ва юридик манзили	АЖ “MEZON AUDIT PERFECT” аудиторлик ташкилоти. Фаргона шаҳри, Ал-Фаргоний кўчаси, 122а уй, тел. +99897 595-99-63. e-mail: mezonauditperfect@mail.ru
Давлат руйхатидан ўтказилган Гувохнома	Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 06.12.2004 йилда 1062-сон билан руйхатга олинган.
Аудиторлик ташкилотларининг ягона реестрига кириш санаси ва рақами	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 05.07.2021 йил № 074
Реквизитлар	Ҳисоб рақами 20 208 000 804 366 678 001 «Миллийбанк» АТБ Фаргона филиали, Фаргона ш. МФО 00493 ИНН 205292894 ОКЭД 69202
Сугурта полиси	АЖ “ASKO-VOSTOK” сугурта компанияси Полис №AVS-79-64/CC0165 05.04.2021 г.
Аудиторлик текшируви учун тузилган шартнома рақами ва санаси	№ 06/2022 17.02.2022 йил.
Аудит текширувини бошланиши ва тугалланиши	Бошланиши - 01.04.2022 йил Тугалланиши - 26.04.2022 йил
Аудит ташкилот раҳбари фамилияси, исми ва малака сертификати рақами	Салиев Илхомжон Адхамович Аудитор малака сертификати № 04420 19.09.2017 й.
Аудит текширувини ўтказган аудитор фамилияси, исми ва малака сертификати рақами	Аудитор – Тухтасинов Н.Н., Аудитор Малака сертификати № 05569 29.11.2018 й.

Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолияти халқаро стандарти АФХС №700 «Молиявий ҳисобот бўйича фикрни шакллантириш ва аудиторлик хулосасини тузиш» стандарти талаблари асосида ўтказилди.

Ушбу аудиторлик текширувига “ФАРГОНА ЁГ-МОЙ” АЖ томонидан тақдим қилинган бухгалтерия бирламчи ҳужжатларини ҳаққонийлигига, тўлиқ тақдим этилишига ва тузилган молиявий ҳисоботларни тўғрилигига “ФАРГОНА ЁГ-МОЙ” АЖ раҳбарияти жавобгар бўлади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулоса берганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект билан танишув

Аудиторлик фаолияти халқаро стандарти АФХС 210 «Аудит топшириқлари шартларини келишиш» стандартига асосан, «ФАРГОНА ЁГ-МОЙ» АЖ тугрисида бошлангич маълумотлар олиш мақсадида, таъсис хужжатлари, мулкчилик шакли, устав капитали, раҳбарияти, ташкилий тузилмаси билан танишиб чикилди.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида»ги Ўзбекистон Респу бликаси Қонуни (янги таҳрири) талабларидан келиб чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2017 йил 23 июндаги йигилиш қарорига асосан жамиятнинг Низом фонди ҳар бир дона акцияси номинал қиймати 4895 сумдан булган 3643308 дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз акция ҳамда 23904 дона эгаси ёзилган имтиёзли хужжатсиз, жами 17 951 002 740 сумлик янги акциялар чиқарилган ва акциялар қуйидаги тартибда тақсимланган:

Улуш эгаси	1 дона акциянинг номинал қиймати	Акция сони, Дона	Улуш миқдори %	Жами улуш қиймати, (минг сум)
Давлат улуши (Давлат Мулк Қумитаси)	4895	3 097 004	84,45	15 159 834 580
Меҳнат жамоаси улуши (207 киши)	4895	214 388	2,45	1 049 429 260
Бошқа жисмоний шахслар (1029 киши)	4895	355 820	13,10	1 741 738 900
Жами:	4895	3 667 212	100%	17 951 002 740

Жамият реквизитлари:

«Фаргона ёг-мой» акциядорлик жамияти	Х/р 20208000300229035001 МФО 00965 ИНН 200146438 ОАТБ «Хамкор Банк»
Манзили	Фаргона шаҳри, Меъмор кучаси 9.
Низом жамгармаси	17 951 002 740 сум Давлат улуши 84,45 % Меҳнат жамоаси 2,45 % Бошқа акционерлар 13,10 %
Тармок тури	Ёг-мой саноати
ХХТУТ (ОКОНХ)	18121
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	1150
Мулкчилик шакли	144
Почта манзили	1730401
Юридик шахс коди	00392744

Жамиятнинг низомида белгиланган асосий мақсадлари давлат иқтисодий манфаатлари, аҳолининг маиший, ижтимоий-маданий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш ва акциядорлар ҳамда жамият меҳнат жамоасининг манфаатини қўллаб-қувватлаш билан фойда олишдан иборат булиб, узини-узи маблағ билан таъминлаш йули билан жамоа ва жамият акциядорларининг моддий ва ижтимоий талабларини қондиришга қаратилган.

Жамият уз Низомига асосан қуйидаги фаолият турлари билан шугулланади:

- Тозаланган усимлик ёғи, атир совун, 60 ҳамда 70 фоизли хўжалик совуни, техник ва озукавий саломас, 94 ҳамда 98 фоизли глицерин, дистилланган соапсток ёғ кислотаси, пальмитин, суюлтирилган совун, хлопокс, косметин стеарин, гудрон, шелуха, қунжара ва бошқа ёг-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

- Уз фаолиятини нормал олиб бориш мақсадида бошқа туманлар, вилоятлар ҳамда республика ташқарисидан, жумладан чет эллардан хом-ашё, асбоб-ускуна ва техник воситалар олиб келиш;
- Жамият, ташкилот, муассаса, хужаликлардан, кичик ва қушма жамиятлардан, фуқаролардан зарур бўлган хом-ашё, жихозлар, ишлаб чиқариш воситалари, транспорт, ускуна ва бошқа хар хил турдаги зарур маҳсулотлар ҳамда воситаларни сотиб олиш;
- Жамият аъзоларининг сармоёси, техникавий ва бошқа ресурсларини жамлаш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватини ошириш;
- Ишлаб чиқаришда фан ва техника ютуқларини жорий этиш, хужалик юритишнинг усул ва шакллари тақомиллаштириш;
- Сотиб олинган ёки олинган ер майдонларидан ёрдамчи хужалик, фермерлик ва ишлаб чиқариш цехларини ҳамда ваколатхоналарини ташкил этиш;
- Савдо ва тижорат фаолияти билан шугулланиш;
- Кимматли коғозлар харид қилиш ва улар билан ишлаш;
- Ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланиш ва хоказо.

2013 йил 29 июндан 2021 йил 15 декабр кунгача жамият бошқарув раиси вазифасида барча банк ва бухгалтерия ҳужжатларига биринчи имзо қуйиш ҳуқуқига билан Мирзааҳмедов Аҳмаджон Мирзаевич бажариб келган.

2021 йил 15 декабрда ҳозирги кунгача жамият бошқарув раиси вазифасида барча банк ва бухгалтерия ҳужжатларига биринчи имзо қуйиш ҳуқуқига билан Каюмов Бунёд Ташматович бажариб келмоқда.

2016 йил 16 августдан шу кунга қадар Хикматов Ойбек Абдуракибович барча банк ва бухгалтерия ҳужжатларига иккинчи имзо қуйиш ҳуқуқи билан бажариб келмоқда.

Жамият ҳисоб сиёсати

Ҳисоб сиёсати - бу жамиятнинг ички ҳужжати бўлиб, амалдаги қонунчилик, солиқ қонунчилиги, Уз. Р МВ 1998 йил 26 июлдаги 17-17/86 буйруғи билан тасдиқланган, Уз. Р. АВ томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС 1-сон) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот», ҳамда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари асосида ишлаб чиқилади.


Ушбу Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС) Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий асосда бошқариш тизимининг унсури ҳисобланади. Ушбу стандарт бошқа БХМСлар билан биргаликда қўлланилади.

БХМС хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари киёсланишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради. Бу мақсадга эришиш учун мазкур стандартда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботига асос бўладиган концепциялар ҳамда молиявий ҳисоботнинг мазмунига энг кам миқдордаги талаблар қўзда тутилган.

Мазкур стандарт молиявий ҳисоботдан ташқари тақдим этилиши лозим бўлган ахборотларга талабларни баён қилмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботга қўшимча ахборот сифатида молиявий шарҳларни тақдим этишлари мумкин.

Ушбу стандартда ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усулларнинг йигмиси тушунилади, молиявий ҳисобот шу усулларга мувофиқ ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ равишда тузилади.

Бухгалтерия ҳисобини гуруҳларга ажратиш ва хўжалик фаолияти фактларига баҳо бериш, активлар қийматини тўлаш, ҳужжатлар айланмасини, мол-мулкни рўйхатга олишни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисобида ҳисоботларни қўлланиш усуллари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва ўзга тегишли усуллар, услубиятлар бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига қиради.





Хисоб сиёсати хар бир жамиятнинг узига хос хусусиятларини хисобга олган холда, бухгалтерия хисобини юритиш, молиявий хисоботларни тузиш усуллари ва коидаларини уз ичига олади.

Мазкур стандартга асосан, жамият хисоб сиёсатига, унинг узаги булган, куйидаги асосий булимлар киритилиши мақсадга мувофиқ – актив ва пасивларнинг баҳолаш ва тан олиш тартиби, ишлаб чиқариш харажатларини тан олиш тартиби, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация хисоблаш усуллари, товар моддий захираларни баҳолаш усуллари, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари, келгуси давр харажатларини чиқим қилиш усул ва тартиби, солиққа солиш мақсадида бухгалтерия хисоби ва ҳоказо.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари хисоб сиёсати қонунларга мос бўлиши учун, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш учун жавобгардир.

Бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизими

Бухгалтерия хисоби ва ички назоратни аудиторлик текширувининг мақсади, аудиторлик ташкилотининг хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик текшируви жараёнида бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш буйича амалларни аниқлаш ва баҳолашдан иборатдир.

Бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимини баҳолашда қўлланиладиган асосий талаблар АФХС 315 «Ташкилот ва уни атрофидагиларни урганиш орқали жиддий четланишлардаги таваққалчиликларни аниқлаш ва баҳолаш» стандартида белгиланган.

Бухгалтерия хисоби тизими – хўжалик юритувчи субъектнинг вазифалари ва ёзувларининг йигиндиси булиб, улар орқали молиявий хисоботда хўжалик операциялари ва бошқа воқеалар натижаларини идентификациялаш, туплаш, таҳлил қилиш, хисоблаш, таснифлаш, умумлаштириш ва акс этириш мақсадида бухгалтерия хисобини юритиш усули сифатида хўжалик операциялари натижаларини қайта ишлаш амалга оширилади.

Аудиторлик текшируви даврида, жамият томонидан молиявий хисоботларни тайёрлаш, бирламчи ҳужжатларни, бухгалтерия хисоби регистрлари ва бошқа хисоб ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштириш, амалдаги қонунчилик ва бухгалтерия хисоби миллий стандартларига риоя қилган холда амалга оширилганлиги ва уларининг бутлиги текширилди.

Жамият бухгалтерия хисоби «1С-Предприятие» компьютер дастурида юритилган. Бирламчи ҳужжатлар расмийлаштирилиши хар ойда, асосий хисоб ҳужжатлари, яъни бухгалтерия хисоби регистрлари ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек бош қитоб компьютер дастурида тузилган ва сақланади, солиқ ва статистик хисоботлар тайёрланиб, вақтида тегишли жойларга қўндирилиб келинган.

Аудиторлик текширувига тақдим этилган молиявий хисоботлар, бухгалтерия хисоби бирламчи ҳужжатлари ва умуман жамиятда қўлланиладиган бухгалтерия тизими аудиторлик амалларини бажаришга, текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини ҳаққоний акс этиришга етарли даражада асос бўла олади.

Ички назорат тизими – хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий – хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва хисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларини аниқ ва туликлиги ва уз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар йигиндисидан иборат.

Аудит даврида жамиятда йўлга қўйилган ички назорат тизимини ўрганиш натижасида жамият ички назорат тизими тегишли назорат воситалари орқали қониқарли даражада амалга ошириладиганлигига ишонч ҳосил қилинди: хусусан:

-Жамият ўзига тегишли булган маъмурий бинода жойлашган; бинога кириш ва чиқиш икита кириш-чиқиш жойи орқали амалга оширилади, бинони иш вақтида жамиятда ишловчи ходимлар, иш вақтидан сунг ва дам олиш кунлари эса қоровуллар томонидан назорат қилинади; маъмурий бино барча хона эшиклари қулфланади, бинода бегона шахслар ҳаракати чекланган;

-Товар-моддий захиралар ва бошка активларни саклаш учун махсус омборхоналар мавжуд бўлиб ушбу товар-моддий захиралар ва активлар моддий жавобгар шахслар зиммасига юклатилган.

-Жамиятда иш хақи тўловлари ва бошка тўловлар ишчи ва хизматчиларнинг пластик тўлов карталари орқали ва касса орқали амалга оширилиши жорий қилинган;

-Маъмурий бино хоналарини ва бино ичидаги ўтиш йулакларини ёнгин ўчириш воситалари, ва ёнгин хавсизлигини таъминловчи огохлантирувчи белгилар билан жихозланмаган.

Аудиторлик текширувининг ишончлиликини дастлабки баҳолаш жараёнлари натижаси бўйича, жамиятда бутун ички назорат тизимини ва назоратнинг алохида воситаларининг ишончилигини "ўрта" ча баҳоланди.

Аудит текшируви дастлабки босқичларида, яъни хужалик юритувчи субъект билан танишув, ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратни тизимини урганиш натижаларига асосан, ушбу аудиторлик текшируви режалаштирилди ва дастури тузилди.

Аудиторлик текширувини режаси ва дастури аудиторлик фаолияти халқаро стандарти АФХС №300 «Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш» стандартига мувофиқ ишлаб чиқилди.

II. АСОСИЙ КИСМ

Асосий воситалар аудити

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2003 йил 9 октябрда 114-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан руйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг (БХМС 5-сон) «Асосий воситалар» миллий стандартига мувофиқ меъёрий жихатдан тартибга солинади.

Жамиятда асосий воситалар бухгалтерия маълумотлари бўйича 01.01.2022 йил ҳолатига, асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 67 593 970,0 минг сумни ташкил қилади, булар:

0120 «Бино ва иншоотлар»	49 948 900,2
0130 "Машина ва асбоб-ускуналар"	14 643 093,2
0140 "Мебел ва офис жихозлари"	82 162,8
0150 "Компьютер жихозлари ва ҳисоблаш техникаси"	174 718,7
0160 " Транспорт воситалари"	1 679 836,0
0180 " Куп йиллик дарахтлар "	2 324,5
0190 " Бошка асосий воситалар"	1 062 934,8
ЖАМИ	67 593 970,0

Жамият 2021 йилда 0200 (Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар) счёти колдиги 34 372 036,9 минг сумни ташкил қилган, булар:

0220 "Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар"	19 255 514,8
0230 "Машина ва асбоб-ускуналар"	12 617 162,2
0240 "Мебел ва офис жихозлари"	82 076,2
0250 "Компьютер жихозлари ва ҳисоблаш техникаси"	145 506,1
0260 " Транспорт воситалари"	1 393 113,1
0180 " Куп йиллик дарахтлар "	1 549,7
0190 " Бошка асосий воситалар"	877 114,9
ЖАМИ	34 372 036,9

Шу жумладан:

Жамият ўз маблағлари ҳисобидан 2021 йил давомида жами 14 001,2 минг сўмлик асосий воситалар кирим қилинган. 12 685,2 минг сумлик асосий воситалар чиким қилинган.

Жамиятда 2022 йил 1 январь ҳолатига 67 593 970,0 минг сўмлик асосий воситалар колдиги колган.

Молиявий инвестициялар аудити

Молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисобини юритишда, 1998 йил 23 декабрда Уз.Р. МВ томонидан 65-сон буйруғи билан тасдиқланган ва 1999 йил 16 январда Уз.Р. АВ томонидан 596-сон билан руйхатга олинган (БХМС 12-сон) «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» миллий стандарти асосий норматив ҳужжатдир.

Жамият балансида 31.12.2021 йил ҳолатига 0600 сметида жами 178 165,8 минг сум инвестициялар мавжуд булиб, 0610 (қимматли коғозлар) сметида 5 108,8 минг сум ва 0620 (бошқа жамиятларга инвестициялар) сметида 173 057,0 минг сумни ташкил этади.

Жамиятнинг 0610 (қимматли коғозлар) смети буйича 31.12.2021 йил ҳолатига инвестиция таркиби куйидагича:

Минг сум.

№	Ташкилот номи	Суммаси
1	“Чуст ишлаб чиқариш савдо” АЖ	4 995,8
2	АТБ “Агробанк”(Пахтабанк”)	11,0
3	АТБ “Саноат қурилиш” (Афросиёб)	102,0
	Жами:	5 108,8

Жамиятнинг 0620 (бошқа жамиятларга инвестициялар) смети буйича 31.12.2021 йил ҳолатига таъсис улуши сифатида киритган инвестициялари таркиби куйидагича:

№	Ташкилот номи	(минг сум) Суммаси
1	Биолаборатория Усмонобод	107 191,2
2	Олтиарик омукта ем МЧЖ	15 865,8
3	ООО "МТ Инвест-Импэкс"	50 000,0
	Жами:	188 057,0

Жамият томонидан киритилган молиявий инвестициялар буйича 2020 йил якуни буйича юкоридаги ташкилотлардан дивидендлар эълон қилинганлиги тугрисидаги йигилиш баёнлари олинмаган.

Аудит текшируви даврида ҳеч қандай қушимча маълумот тақдим қилинмади.

Жамият раҳбариятига юкоридаги инвестиция киритилган ташкилотлар буйича инвестициялар тугрисида етарли маълумот олиш, агар ушбу инвестиция киритилган ташкилотлардаги инвестициялар даргумон булган тақдирда, мазкур масалани жамият умумий йигилишида қуриб чиқиш ва жамият зарарига олиш тавсия қилинади.

Капитал қуйилмалар аудити

Жамият балансида 01.01.2021 йил ҳолатига 0800 Капитал қуйилмаларни ҳисобга олиш сметида жами **4 488 007,8** минг сум капитал қуйилмалар колдиги мавжуд.

2021 йил давомида 0810 “Тугалланмаган курилиш” смети буйича жами 30 691,0 минг сумлик капитал куйилмалар амалга оширилган ва асосий воситалар кирим килинмаган, 31.12.2021 йил холатига 0810 сметрдаги колдик 4 193 696,7 минг сумни ташкил этади.

0820 “Асосий воситаларни харид килиш” смети буйича жами 272 731,5 минг сумлик капитал куйилмалар амалга оширилган ва 8 260,9 минг сумлик асосий воситалар кирим килинган, 31.12.2021 йил холатига 0820 сметрдаги колдик 589 472,7 минг сумни ташкил этади. 31.12.2021 йил холатига 0800 сметрдаги колдик 4 783 169,4 минг сумни ташкил этади.

Узок муддатли карздорлик аудити

Жамият балансида 0900 Узок муддатли карздорликлар сметида 01.01.2021 й. холатига колдик мавжуд эмас. 31.01.2022 й. холатига колдик мавжуд эмас.

Товар-моддий захиралар аудити

Товар-моддий захираларни хисобга олиш тартиби 2006 йил 15 июндаги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 52-сонли буйруги билан тасдикланган ва 2006 йил 17 июлда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1595-сон билан руйхатга олинган (БХМС 4-сон) «Товар-моддий захиралар» стандарти талабларига асосан тартибга солинади.

Жамият бухгалтерия хисоби маълумотлари буйича 01.01.2021 йил холатига материалларни хисобга олувчи сметрларда (1000) сметр ТМКлар колдиклари мавжуд, булар:

Сметрлар №	Сметрлар номи	Колдик 01.01.2021	Кирим	Чиким	Колдик 01.01.2022
10.08	Материалы б/у от де монтажа	1455366,2	412514,28	147116,85	1720764
10.11	Основное сырье	1824861,2	1084812,8	1981761,5	927912,5
10.12	Сырье семенного хозяйства	6790296,6	107317190	111615790	2491696
10.13	Семена подсолнуха	0	7403	7403	0
10.13.1	Основное сырье в цехах Г.	12284,243	660559,74	668827,77	4016,208
10.13.2	Основное сырье в цехах Г.	144319,13	705255,38	380787,2	468787,3
10.14	Соя	6078,6806	4141,5		10220,18
10.20	Покупные полуфабрикаты и комплектующие изделия	172,2			172,2
10.30	Топливо	27190,949	285563,99	223819,79	88935,15
10.30.1	Топливо на складе ГСМ	4652,2792	39567,296	34762,762	9456,812
10.30.3	Топливо на складе ГСМ автогаража	21354,213	162434,83	105746,31	78042,73
10.30.4	Топливо на складе ГСМ транспортного отдела	1184,4576	83561,864	83310,716	1435,605
10.32	Вспомогательные материалы в подотчетах	29589,019	127073,25	156662,27	0
10.33	Подотчет подсолнечника	136452,18	367250,74	344650,01	159052,9

Handwritten signature

Handwritten signature

10.33.1	Подотчет подсолнечника	32424,222	335380	309626,22	58178
10.33.2	Подотчет соя	104027,96	31870,737	35023,785	100874,9
10.35	Топливо	14004,168	32261	37621,263	8643,905
10.40	Запасные части	184715,15	1799521,1	1528524,1	455712,1
10.50	Строительные материалы	146079,85	127942,75	168788,04	105234,6
10.60	Тара и тарные материалы	849,9	3591401,4	3591401,4	849,9
10.70	Материалы, переданные на переработку	5545,1662			5545,166
10.80	Инвентарь и хозяйственные принадлежности	72765,449	9272	23786,066	58251,38
10.90	Прочие материалы	2510718,1	10312482	10927800	1895400
10.90.1	Вспомогательные материалы в цехах	1936419,1	10211749	10692698	1455469
10.90.2	Вспомогательные материалы в цехах	203552,41	100733,6	150526,73	153759,3
10.90.3	ТМЦ б/у от демонтажа	123564,68		56842,299	66722,38
10.90.6	Дорогой инвентарь на складе	18468,899			18468,9
10.90.7	Склад ОКС	228713,03		27733,301	200979,7
10.90.5	Прочие разные ТМЦ	812946,85	1106331,2	1573587,7	345690,3
10.91	Прочие материалы	1053258,8	2169081,6	1318161,3	1904179,2
10.91.1	ТМЦ подотчетные лица	1053258,8	2169081,6	1318161,3	1904179,2
	ЖАМИ	15227494,0	130120058	134696489	10651062,7

Товар-моддий захираларнинг бухгалтерия хисобини юритилишида хисоб сиёсатида асосан уртача тортилган киймат усули кулланилади. Лекин «1-С Предприятие» компьютер дастурида камчиликлар сабабли товар-моддий захираларнинг чикиб кетиши нотугри олиб борилган.

Жамият бош хисобчисига «1-С Предприятие» компьютер дастуридаги камчиликларни бартараф қилиш тавсия қилинади.

Ишончномалар аудити

Товар моддий захираларни қабул қилишда ишончномаларни бериш ва ишончномалар бўйича товар моддий захираларни бериб юбориш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 07.05.2003 йилдаги 62-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва 2006 йил 17 июлда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон рўйхатдан ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг буйруғи билан тартибга ўзгартиришлар киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 24.12.2003 йилда 1245-1-сон билан рўйхатдан ўтган.

Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги қонуни асосида ишлаб чиқилган ва товар моддий захираларни қабул қилишда ишонч

коғозларини бериш ва ишонч коғозлари буйича товар моддий захираларни бериб юбориш тартибини белгилайди.

Жамиятда ишончномалар хисобини ишончномаларни рўйхатга олиш китоби (журнали)да юритилади. Ишончномаларни рўйхатга олиш китоби 2021 йилда алохида очилган.

Товар моддий захираларни қабул қилишда ишончномаларни бериш ва ишончномалар бўйича товар моддий захираларни бериб юбориш тартибига асосан, ишончнома китоби ракамланган, шнурланган, рахбар имзоси ва рахбар томонидан тайинланган шахс имзоси кўйилган ва мухрланган бўлиши талаб қилинади.

Жамиятда ишончномаларни рўйхатга олиш китоби ракамланган, шнурланган ва бош хисобчи томонидан имзоланган, 50 (лист) вароқдан иборат.

Жамиятда 2021 йилнинг 1 январидан 31 декабригача ишончномаларни рўйхатга олиш китобида: 374 (1 номердан - 374 номергача) дона моддий жавобгар шахсларга берилган шундан 14 дона ишончномалар бекор қилинган.

Касса операциялари аудити

Юридик шахсларнинг касса операцияларини амалга ошириш қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк Бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги 12/17-сон қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2015 йил 22 июнда 2687-сон билан рўйхатдан утказилган норматив ҳужжат билан тартибга солинади.

Жамиятда газначи вазифаси 2008 йил 3 ноябрдан бошлаб 16 март 2017 йилгача Курбанова Насиба зиммасига юклатилган. 2017 йил 16 мартдан бошлаб газначи вазифаси Абдуллажанова Юлдизхон зиммасига юклатилган. Газначи билан моддий жавобгарлик туғрисида шартнома тузилган.

Жамиятда юқорида белгиланган норматив ҳужжат, юридик шахсларнинг газна операцияларини амалга ошириш қоидаларига амал қилинган ҳолда юритилган. Банкдаги ҳисоб рақамидан олинган нақд пул газнага тулик қирим қилиниб, олинган мақсадига мувофиқ чиким қилинган.

2021 йилда газна операциялари қуйидагича:

Счет	Операция мазмуни	Сумма (сум)
	01.01.2021 й.га қолдиқ	-
51.70	Банқдан қирим қилинди	32 866 000,0
	Жами қирим	32 866 000,0
	Сарфланди	
67.10	Иш хақи	32 866 000,0
	Жами чиким	32 866 000,0
	31.12.2021 й. га қолдиқ	-

01.01.2020 йил ва 31.12.2020 йил ҳолатларига газна (5020 ҳисоб) да ҳорижий валюта пул маблағлари қолдиғи мавжуд эмас.

Банқдаги пул маблағлари аудити

Нақд пулсиз ҳисоблар, Уз.Р.МБ томонидан 2002 йил 12 январда 60-сон билан тасдиқланган ва Уз.Р. АВ томонидан 2002 йил 15 январда 1122-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар буйича тартиб ва Уз.Р. МБ томонидан 16 мартда тасдиқланган ва Уз.Р. АВ томонидан 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикасида очиладиган банк ҳисоблари буйича йуриқномага асосан тартибга солинади.

Жамият банк ҳисоб-китобларини «Хамқор» банкининг Фарғона бўлимида амалга оширади.

2021 йилда (сч 5100) банк операциялари куйидагича:

Счет	Операция мазмуни	Сумма (сум)
